2016 ЙИЛ 3 ИЮНЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 113 (13.176)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали равишда нишонлаш учун ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Биз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ, энг азиз айём бўлган бу қутлуғ сана ўтган тарихан қисқа даврда босиб ўтган ғоят оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимизни, амалга оширган кенг кўламли ислоҳотларимиз самарасини, кўлга киритган улкан марра ва ютуқларимизни танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш, олдимизга қўйган олий мақсад – энг тараққий топган давлатлар қаторига кириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишда, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқлаган эски, мустабид тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислоҳотларга асосланган, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг амалий исботини мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортиб, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Кўпни кўрган, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг мардлиги ва матонати эвазига эришаётган бундай марра ва натижалар Ватанимизнинг обрўсини янада юксалтириб, кўпчилик мамлакатларни қойил қолдираётгани ва уларнинг ҳавасини уйғотаётганини кузатиш қийин эмас.

Олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай оламшумул натижаларнинг асосий омилини аввалambор тараққиёт йўлимизда тўсиқ бўлган турли қийинчилик, етишмовчилик, оғир ва машаққатли синовларни енгиб ўтишда одамларимиз, бутун халқимизнинг дунёқараши, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганида кўриш даркор.

Энг муҳими, эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлодимизнинг янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни шундай ёшларни, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи куч сифатида тайёрлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз деб кун тартибига қўйганимиз вақт ўтиши билан нақадар узоқни кўзлаган тарихий қадам бўлгани тобора аён бўлмоқда.

Мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўтган давр мобайнида она юртимиз, барча вилоят, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тобора очилиб, гўзал бўлиб бораётганини, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

3. Мазкур дастурни тайёрлашда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин:

мустақиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз кўлимиз билан қуриш йўлида беқиёс имкониятлар очиб берганини кенг ёритиш;

мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш ва уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасидаги улкан ишларнинг маъно-мазмунини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб бериш;

юртимизнинг илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланганини чуқур таҳлилий асосда талқин қилиш. Бу борада иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани кўп нарсадан далолат беради. Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларнинг жадал ривожланаётгани билан боғлиқ факт ва рақамларга алоҳида урғу бериш;

мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бораётгани мисолида кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларимизнинг амалий самарасини кўрсатиш;

олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан тараққиётимизнинг локомотиви бўлган етакчи тармоқларни жадал ривожлантириш, иқтисодиётимизда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириб бориш, Конституциямизда кўзда тутилган хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг самарасини янада кучайтириш каби ўта муҳим йўналишларнинг аҳамиятини жамоатчилигимизга, халқимизга содда ва таъсирчан усулларда етказиш. Жумладан, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириш, иқтисодиётимиз таркибида саноатнинг улушини 40 фоизга етказиш бўйича белгилаб олинган аниқ режа ва дастурларни амалга ошириш учун, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарамасдан, қатъият билан илгарилаб боришимизга асос бўлаётган мезон ва омилларнинг моҳиятини очиб бериш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар жорий этилиб, фермерлик ҳаракати учун катта имкониятлар яратилгани, ҳозирги кунда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ва етакчи кучга айланиб бораётганини кенг ёритиш;

юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганини;

ўтган давр мобайнида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,4 баробар, сут ва сут маҳсулотлари – 1,5 карра, картошка – 1,9 марта, сабзавот – 2,6 баробардан ортиқ, мева 6,3 марта кўпайгани ва бошқа ҳаётий мисолларни мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори сифатида акс эттириш;

мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган ўрта синф – мулкдорлар синфининг жадал ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етгани, айни шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилиб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётганини таҳлилий асосда кўрсатиш;

жамиятимиз ҳаётини бутунлай ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш ва бошқа умуммиллий дастурларимизни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилгани Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонида рақобатдошлигини таъминлашнинг ишончли замини бўлиб хизмат қилаётганини теран ифода этиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун амалга оширилаётган улкан ишларга алоҳида аҳамият бериш. Жумладан, давлат бюджетимизнинг социал соҳаларга йўналтирилган йиллик харажатлари изчил ошиб бораётганини, биргина 2015 йилда ушбу рақам 60 фоиздан ортганини бу борадаги кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий натижаси сифатида кўрсатиш;

ёш авлодимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг моҳиятини, хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етгани ва бошқа мисоллар асосида ана шундай амалий ишларимизнинг аҳамиятини атрофлича ёритиб бериш;

юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва миллий армиямизнинг салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган, кўлами ва миқёсига кўра улкан ўзгаришлар бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, миллатлар ва фуқароларо дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур очиб бериш;

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш ҳақидаги ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини атрофлича ёритиш. Хусусан, мамлакатимизнинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслиги, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига, ҳарбийларимизнинг хорижий мамлакатлардаги жанговар операцияларда қатнашишига йўл қўймаслик бўйича қонуний асосда белгилаб олинган қатъий позициясини кенг жамоатчиликка етказиш.

4. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида учрашув ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Байрам тантаналари арафасида фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий объектларни ўз вақтида ишга тушириш чоралари кўрилсин.

6. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, "Тасвирий ойина", Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, Бадиий академия ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда "Истиқлол фарзандлари" ва "Келажак бизники, марра бизники!" деб номланган ёшлар фестивалларини, "Ўзбекистон – умумий уйимиз" республика дўстлик ва маданият фестивалини, "Миллий ғоя – бизнинг ғоя" илмий-амалий анжуманини, шунингдек, юртимиз мустақиллигини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ҳамда "Энг улуғ, энг азиз", "Ватан учун яшайлик!", "Ранглар жилосида – она диёр мадҳи", "Сени куйлаймиз, замондош!", "Истиқлол солномаси", "Бу – менинг Ватаним" каби анъанавий кўрик-танловларнинг юқори даражада ўтказилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

9. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 июнь

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг мамлакат босқичи якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа таркибида 140 нафар ўқувчи иштирок этди.

● Андижон ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 65 дан зиёд корхона ва ташкилот бўш иш ўрни билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида юздан ортиқ фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. Корхона ва ташкилотлар томонидан коллеж битирувчилари билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ишга жойлашиш бўйича тўрт томонлама шартномалар имзоланди.

● Нукусда "Юрт келажаги" ижодкор ёшлар кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар", "Тасвирий ва амалий санъат", "Адабиёт ва журналистика" йўналишлари бўйича 11 номинацияда ўтказилган шаҳар ва туман босқичларида 4 мингдан зиёд ёшлар ўз истеъдодини синовдан ўтказди. Улар орасидан ғолибликни қўлга киритган 211 нафар ёш йигит-қиз танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида иштирок этди.

● Навоийда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи қизлари ўртасида волейбол бўйича "Камолот" олтин тўпи" мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг автомобиль эҳтиёт қисмларини тайёрлашга ихтисослашган "Takata" компанияси АҚШнинг KKR бренди ҳамда бошқа инвесторлар билан реструктуризация чора-тадбирларини олиб бориш бўйича музокараларни бошлади. Сармоядорлар билан келишув амалга ошса, компаниянинг ўз иқтисодий аҳволини яхшилаб олишига умид билдирилмоқда.

● Сомалидаги меҳмонхоналардан бирида юз берган портлаш натижасида 16 киши ҳалок бўлди.

● Германиянинг жанубий ҳудудларида рўй берган кучли сув тошқинлари натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, 16 минг нафар аҳоли электр қувватидан узилиб қолди.

● АҚШнинг Калифорния штатида кичик самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида икки киши ҳалок бўлди. Воқеа сабаблари ўрганилмоқда.

● Тинч океанидаги Фижи соҳилларида 6,6 магнитудали зилзила рўй берди. Қурбонлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

МАҲАЛЛАДОШЛАР ИШОНЧ БИЛДИРИШДИ

Учтепа туманидаги "Кўркамобод" маҳалла фуқаролар йиғинида йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови очиқлик, ошкоралик ва тенглик асосида бўлиб ўтди.

Ушбу маҳаллада бугунги кунда 4295 нафар аҳоли истиқомат қилиб келмоқда. Маҳалла фаоллари томонидан фуқаролар йиғини раислигига 3 нафар ва раис маслаҳатчилари лавозимига 34 нафар номзод тавсия этилди.

Ушбу муҳим жараёнда маҳалла аҳли фаол иштирок этди. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловига номзодлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилди. Қонунларга кўра сайловда номзодлар аҳоли орасида обрў-эътиборга лойиқ, ҳаётий тажрибага эга, халқ фаровонлиги ва тараққиёти йўлида фидойилик қилган инсонлар танлаб олинади.

"Кўркамобод" маҳалласида ҳам йиғилганлар маҳалла фуқаролар йиғини раислигига Саидкарим Сотволдиевни қўллаб-қувватлаган ҳолда овоз беришди.

— Маҳалла аҳлининг менга билдирган ишончидан жуда мамнунман, — дейди С.Сотволдиев. — Маҳалланинг ҳар бир ёшу қариси ўз оилам аъзосидай қадрли ва азиз бўлиб қолган. Бу вазифа маъсулиятли шу билан бирга шарафли ва заҳматли иш ҳисобланади. Ҳудудимиз осойишталигини таъминлаш, тозаликка эътибор қаратиш, ҳамжиҳатлик ва аҳилликда хонадонларни обод ва фаровон яшашига замин яратишда фидойилик талаб этилади. Кўп йиллик фаолиятим давомида асосан оилалар тинчлиги, ёшлар тарбияси ҳамда аҳоли бандлиғини таъминлашга эътибор қаратдим. Бундан кейин ҳам маънавий муҳитни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий кўмак бериш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга янада кўпроқ эътибор қаратамиз. Шу билан бирга келажагимиз эртаси бўлган ёшларимизни ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камолга етиши, мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиётини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз.

Сайлов жараёнида маҳалла раиси билан бирга унинг маслаҳатчилари ҳам сайланди. 34 номзод орасидан 17 нафарига маслаҳатчи лавозимига ишонч билдирилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Алоқа тарихи музейида янги davra.uz миллий ижтимоий тармоғини ишга туширишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЯНГИ МИЛЛИЙ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази мутахассислари, журналистлар иштирок этди.

"UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази директори F.Сайдалиев ва бошқалар Президентимизнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида яқин истиқболда мамлакатимизда компьютерлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш йўллари белгиланган ва бу миллий ахборот жамиятини босқичма-босқич шакллантириш имконини беришини таъкидлади.

Жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, ижтимоий тармоқларда аккаунтлардан фойдаланувчилар сони тобора кўпайиб бораётир. Мамлакатимизда тизимдан чиқмасдан янги танишлар топиш ва ахборот олишга ёрдам берадиган ижтимоий тармоқлар оммалашмоқда. Айни пайтда UZ доменида 37 ижтимоий тармоқ рўйхатга олинган.

Интернет тармоғининг миллий сегментида халқимиз маданияти ва эҳтиёжига мос келадиган ижтимоий тармоқни ташкил этиш зарурати пайдо бўлди. davra.uz миллий ижтимоий тармоғи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда "UZINFOCOM" маркази томонидан ишлаб чиқилган.

Фойдаланувчилар мазкур тармоқ ёрдамида интернетда синфдош ва курсдошлари, хизматдош ҳамда ҳамкасбларини топиши мумкин. Шунингдек, қизиқиш бўйича гуруҳлар, саҳифалар ташкил этиш ва ўз бизнесини таклиф этиш учун ундан восита сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд. davra.uz тармоғида стандарт сервислар асосида матнли ахборот, фотосурат ва видеороликлар, лайкларни жойлаштириш, шарҳлаш ва мессенжерда мулоқот қилиш имконияти яратилган.

Айни пайтда ижтимоий тармоқда 2,2 мингдан зиёд фойдаланувчи рўйхатга олинган, қизиқиш бўйича қарийб 70 гуруҳ ташкил қилинган. Тармоқда id.uz тизими орқали авторизациялаш амалга оширилади. Яқин вақт ичида ижтимоий тармоқнинг мобиль иловаси ва бир гигабайтлик файллар билан алмашиш иловаси ҳам ишга туширилади. Бундан ташқари, бошқа ижтимоий тармоқлар билан интеграциялашув амалга оширилади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Р.БОНДАРЧУК



Ислом Исмоилов олган сурат

ИННОВАЦИЯЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

Пойтахтимизда замонавий компьютер ва тармоқ технологияларига бағишланган конференция ўтказилди. Унда олимлар, мутахассислар, компьютер ҳамда серверлар учун бутловчи қисм ва ускуналар ишлаб чиқувчилар, вазирлик ва идоралар ходимлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда барча соҳаларга компьютер ва тармоқ технологиялари кенг жорий этилаётгани таъкидланди. Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини интеграциялаштириш ҳамда давлат ва жамият қурилиши соҳасида кенг қўллаш, компьютер тизимларини модернизация қилиш борасида барча шароит яратилмоқда.

Тадбирда бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгарадиган янги қурилма намойиш этилди. Ноутбук ва планшет афзалликларини ўзида мужассам этган бу қурилма бир режимдан иккинчи режимга сенсорли экранни ечиб олиш орқали ўтилади. Шунингдек, компьютер хотирасидаги маълумотлар билан минг баробар тезликда алмашиш имконини берадиган янги технология тақдим этилди.

Бундан ташқари, замонавий компьютер ускуналари, бутловчи қисмлар ва ўқув компьютер ўйинлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Тадбирда истиқболда замонавий компьютер ва тармоқ технологияларини турли соҳаларга кенг жорий этиш хусусида ҳам фикр алмашилди.

(ЎзА)

ПИЛЛАКОРЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН ЗАФАРИ

Ўзбекистон пиллакорлари 26,2 минг тоннадан зиёд пилла тайёрлаб, йиллик шартнома мажбуриятини бажарди

Пиллакорларимизнинг азму шижоати ва фидокорона меҳнати натижасида уйилган бу хирмон Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига муносиб туҳфа бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида пиллачиликда ҳам юксак самараларга эришилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 15 ноябрдаги "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бунда муҳим дастурулмал бўлаётир.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилда пиллакорларимиз "Ипакчи-1", "Ипакчи-2", "Ўзбекистон-5", "Ўзбекистон-6" каби серҳосил, иқлим шароитимизга мос, касалликларга чидамли маҳаллий навлардан ипак қурти парваришлаб, ҳар қутидан ўртача 58,2 килограммдан ҳосил олди.

Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари пиллакорлари биринчилар қаторида шартнома режасини бажарди. Жондор, Нарпай, Бешариқ, Боёвут, Жарқўрғон, Касби, Қизилтепа, Чуст, Қўрғонтепа туманларида ҳар қути ипак қуртидан 60-68 килограммдан ҳосил олишга эришилди.

Уйчи туманидаги "Усмонжон домла" фермер хўжалигида ҳар қути уруғдан 78, Жондор туманидаги "Золинлик маржон Мақсуд" фермер хўжалигида 75, Юқори Чирчиқ туманидаги "Ҳамиджон Мирзаодил" фермер хўжалигида 72, Дўстлик туманидаги "Эшбек ота" фермер хўжалигида 70, Жалақудуқ туманидаги "Вафо маликаси" фермер хўжалигида 69, Тўрткўл туманидаги "Қувондиқ Ихтиёр" фермер хўжалигида 66 килограммгача сифатли "кумуш тола" олинди.

Пиллакорларимизнинг бу улкан муваффақиятида давлатимиз раҳбари томонидан янги навлар яратиш ҳамда ипак толасининг сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, уни қайта ишлаш жараёнини ислоҳ қилиш устувор вазифа этиб белгиланган муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, фермерларни моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани самарадорликнинг муҳим омили бўлди. Хусусан, пилланинг харид нархи ўртача 11 фоиз оширилиб, ҳосил қийматининг 43 фоизи миқдоридаги маблағ мавсум бошиданоқ бўнак сифатида берилди.

– Ҳосилни етиштиришда фермерларга жойлардаги ҳокимият вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари яқиндан ёрдам берди, – дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Қаҳҳор Ёвқочдиев. – Эътиборлиси, фермерлар пиллани қайта ишловчи йирик корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузди. Унга кўра, корхона мавсум давомида керак бўладиган барча жиҳозларни етказиб берди. Натижада юқори сифатли хомашё етиштирилди. Зеро, миллий бойликларимиздан бири бўлган пилла саноатимизни изчил ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади. Бир тонна пилладан 350 килограмм ипак, 20 минг метр адрас, 13 минг метр атлас ва бошқа маҳсулотлар олиш мумкинлигини эътиборга олсак, пиллакорларимиз эришган ютуқдан кўнглимиз фахр ва ғурурга тўлади.

Тармоқни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида Сурхондарё вилояти пиллакорлари биринчилардан бўлиб "кумуш тола" олди. Вилоятда ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида туманлардаги пилла қабул қилиш корхоналари мавсумга пухта тайёрланди.

– Пиллакорларимиз 1 минг 553 тонна пилла етиштиришга бел боғлаганди, – дейди вилоятдаги "Интерсилк про" пиллани қайта ишлаш корхонаси раҳбари Олимжон Жумаев. – Ҳосилнинг асосий қисми Жарқўрғон, Қумқўрғон, Термиз туманлари ҳиссасига тўғри келаётир. Корхонамизда хомашёдан сифатли ипак тайёрлаб, экспортни йўлга қўйдик. Ипакдан атлас ишлаб чиқаришни мўлжаллаётирмиз.

Кейинги йилларда мавжуд тутзорлар майдонининг кенгайиши, озуқа базаси мустаҳкамлангани, мавсумга малакали мутахассислар жалб этилиб, пиллакорлар учун зарур моддий-техник ресурслар ўз вақтида тўлиқ етказиб берилгани соҳадаги ютуқларда катта аҳамият касб этмоқда.

Пилла қабул қилиш пунктларида иш қизғин давом этмоқда. Кейинги йилги мавсумга тайёргарлик кўриш, тутзорларга ишлов бериш, уларни зараркунандалардан асраш каби ишлар олиб борилмоқда.

(ЎзА)

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ЭЪЗОЗЛИ АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ ОРТМОҚДА

Мамлакатимизда, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида бир қатор ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда уларнинг жамиятда кечаётган ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини таъминлаш, ишлаб чиқаришда, оилада, социал ҳаётда ва айниқса спорт соҳасида хотин-қизларнинг мавқеини кучайтириш сингари масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг 25 йиллиги, халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ҳамда "Эъзозли аёллар" гимнастрада спортчи гуруҳининг ташкил топганлигининг 5 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий байрам тадбир бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи директори Э.Искандаров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини юксалтириш, соғлигини асраш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

"Эъзозли аёллар" спорт гуруҳи 2011 йилда Шайхонтоҳур туманидагида "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилганди. Спорт гуруҳи машғулотлари дастлаб мазкур маҳаллада сўнгра қўшни маҳаллаларда, кейинчалик шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди ва ўтказила бошланди. Асосан уй бекалари, нафақадаги аёллардан таркиб топган ушбу гуруҳда 30 ёшдан 85 ёшгача бўлган аёллар жамланган. Бугунги кунда ушбу жамоанинг тўрт мингдан зиёд аъзолари бор.

"Эъзозли аёллар" спорт гуруҳи пойтахтимиз аёлларининг соғлигини тиклаш, яхшилаш ва турли касалликлардан ҳимоя қилишда ўзига хос ўрин тутади.

Гуруҳ сафи ўқув муассасалари ва маҳаллалардаги аёллар ҳисобига кенгайтириб борилмоқда. Сўлим боғ қўйнида енгил жисмоний машқларнинг аёлларимиз учун нафи катта. Гимнастика машқлари турли касалликларнинг олдини олиш билан бирга, аёлларни она табиат уйғунлиги билан ҳамнафас яшашга чорлайди.

– Хотин-қизларнинг оилани шакллантириш ва мустаҳкамлашдаги ҳамда баркамол авлодни соғлом тарбиялашдаги, шунингдек, юртимиз салоҳиятини юксакка кўтаришдаги самарали хизматлари эътирофга сазовордир,– дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. – Бугун хотин-қизларимиз соғлом ва баркамол фарзандларни тарбиялаб, вояга етказиш билан бирга, ўзлари ҳам спорт соҳасида ўктам қадам ташлаётганликлари алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Тадбирда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида оилаларга ижтимоий кўмак бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ва касбга йўналтириш, тадбиркорликка жалб этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўлами янада кенгаяётгани қайд этилди. "Гимнастика барча учун" анъанавий мусобақаси ғолиблари, "Эъзозли аёллар" гуруҳи аъзолари ва фаол аёллар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Эл севган санъаткорлар иштирокидаги куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар намойиши барчага бирдай манзур бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Гулнигор САТТОРОВА

Барча замонларда ҳам қадимий ва замонавий кўринишдаги миллий ҳунармандчилик буюмлари, кўркам либослар кишилар эътиборини қозониб, улар дилига завқ бағишлаб келган. Ёш ҳунарманд, тикувчи қиз Гулзода Авазованинг тиккан буюмларида ҳам кишилар дилини ром этадиган ўзгача гўзалликни, сеҳру жозибани кўриш мумкин.

ИНТИЛУВЧАН ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

– Мамлакатимизда ўқийман, оиламга, юртимга наф келтираман деган киши учун барча шароитлар яратилган, – дейди Гулзода Авазова. – Мен ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, жорий йилнинг февралида "Гулзода" оилавий корхонасини ташкил қилдим.

Албатта, корхона бирдан пайдо бўлиб, ёш тадбиркор бундай натижага ўз-ўзидан эришгани йўқ. Изланди, меҳнат қилди, ижодий салоҳиятини ишга солди. Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежида ўқиб юрган кезларида устозларидан турли хилдаги кўйлак фасонларини чизишни илк сабоқларини иштиёқ билан ўрганди. Чизган кўркам расмларидан завқланиб, уларни матоларда акс эттириб, тикиш сирларини мукаммал ўзлаштирди.

Ташаббускор қизнинг интилишлари доимо эътиборда. 2015 йилда касб-ҳунар коллежини битириш арафасида "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" кўрик-танловида ғолиб, деб топилди ва "Микрокредитбанк"дан 10 миллион сўм имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди. Мазкур маблағга тўртта тикув машинаси, дазмол ва тикиш учун фурнитуралар олинди.

Айни кунда Гулзодага нафақат ўзи яшаётган маҳалласидаги, балки қўшни маҳаллалардаги хотин-қизлар ҳам турли бичимдаги замонавий либослар учун буюртмалар бермоқда. У миллий қадриятларимизга мос, ҳунармандчилик анъаналарига хос ҳамда мижозлар кўнглидаги кўйлак, халат, ёстиқ, парда, елпиғич ва бошқа турли тўй либосларини тикиб, кўпчиликнинг олқишини олмоқда. Айни вақтда миллий матодан спорт услубида яратилган либосларининг ҳам ўз харидори бор.

Юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ёшларнинг улушини ошириш, уларнинг бўш вақтлари унумли ўтиши ҳамда бандликни таъминлашда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишидаги лойиҳалар сабаб ишбилармон ва ташаббускор йигит-қизлар сафи кенгайди. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларни амалга оширишда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори дастуруламал бўлаётир.

Қарорга мувофиқ касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор", "Мутахассислик – сенинг келажагинг", "Бизнес автобус", "Таълим ва мутахассислик" сингари ўнлаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Зиёда ВОҲИДОВА

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 6

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
7.40 "Қишлоқ ҳаёти".
8.00 "Таҳлилнома".
8.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
9.10 2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.00 "Иқлим".
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Тадбиркорлар телеклуби". Ток-шоу.
13.45 "Иқлим".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 "Менинг боғим".
15.05 "Иқлим".
15.10 "Мўъжизалар макони".
15.35 "Бизнес старт".
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Суҳбатдош".
17.25 "Севги сароблари". Т/с.
18.10 "Иқлим".
18.20 "Имконият".
18.40 "Рамазон шукуҳи".
18.45 "Рамазон туҳфаси".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 23.55 "Севги ўгитлари -4". Б/ф.
23.55 "Имконият".
00.15 Миллий сериал: "Имтиҳон".
00.45 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.35 "Рамазон шукуҳи".
2.40 "Рамазон туҳфаси".
3.20 "Шарқ тароналари".
3.35 "Мўъжизалар макони".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар
6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Қалб кўзи". Б/ф.
7.40 "Қизлар мактаби".
8.00 "Пуаро". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Ўзингни ўзинг асра".
11.40 "Юрт келажаги".
12.00 "Шаҳзода". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Оцеола". Б/ф.
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Муваффақият калити".
17.30 "Олтин даврим". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Шаҳзода". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Гирдоб-3". Т/с.
23.40 "Мўъжизавий дунё".
2.30 "Ош бўлсин!"
3.10 "Парвона". Спектакль.
5.00 "Табассум қил!"
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент
5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Фидойилар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Лочин ва кабутар". Т/с.
11.15 "Poytaxt-avto".
11.25 "Обод хонадон".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Фидойилар".
12.50 "Пойтахт- Hi-tech".
13.10 "Телетаҳлил".
13.35 "Мобиль камера".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Танҳо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 "Ажойиб йил". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Ҳимоя".
18.50 "Poytaxt-Hi-tech".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Гулираъно". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
21.20 "Сифат назорати".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Всё могут короли". Х/ф.
00.05 "Пойтахт-культура".
00.15 "Ҳикматли дунё": "Имконият".
1.00 "Poytaxt-eko".
1.10 "Бахт қўрғони".
1.40 "Пойтахт-авто".
1.50 "Мобильная камера".
2.10 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
2.35 "Мен сизга айтсам".
3.35 "Эртамиз эгалари".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт
7.00 "Хайрли тонг!"
7.05 Кўрсатувлар тартиби.
7.10 "Қорақалпоқ спорти".
7.30 "Sport onlayn".
8.30 Талқин.
9.10 "Орзулар кемаси".
9.40 Интерфутбол.
11.30 "Болалар спорти".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport onlayn".
13.05 Бадминтон.
14.00 Хабарлар.
14.20 "Спорт сайёраси".
14.40 Баскетбол.
15.45 "Юлдузли окшом".
16.35 Теннис.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Универсиада-2016".
18.30 Хабарлар.
18.45 Футбол. Америка кубоги.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
21.00 Футбол. Америка кубоги.
22.50 Профессионал бокс.
23.50 "Техноспорт".
00.05 Волейбол.
1.10 Хабарлар.
1.30 Дзюдо. Осиё чемпионати.
3.55- 5.55 Футбол. Америка кубоги. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.

Маҳалла
6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
6.40 "Турфа маслаҳат".
7.00 Миллий кино. "Хиёнат гирдоби".
8.20 "TV анонс".
8.25 "Теран илдизлар".
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 "Шаҳарлик куёв". Теленовелла.
9.50 "Маҳалламиз спортчилари".
10.40 "Мўъжаз Ватан".
11.05 "Йўлга чиқдик".
11.30 "Эзгу сўз, эзгу амал".Ток-шоу.
12.10 "Маҳалламиз маликаси".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Айрилиқ".
14.10 "Фотокўзгу".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар".
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
15.30 "Ноёб институт".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Аммажоним-аммажон".
16.35 "Фермер".
17.00 "Ихтиро".
17.25 "TV анонс".
17.30 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Чархпалак".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Чироғи ёниқ уй".
20.00 "Халқ виждони".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Бурч ва муҳаббат".
22.30 "TV анонс".
22.35 "Тунги репортаж".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Маҳалламиз Зулфиялари".
23.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
00.40 "Нуроний фасл".
1.05 Миллий кино. "Айрилиқ".
2.15 "Бизнес ва тараққиёт".
2.45 "Тўн". Ҳужжатли фильм.
3.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
3.35 "Идрок харитаси".
4.00 Миллий сериал. "Аммажоним-аммажон".
4.35 "Мисли гавҳар".
5.00 "Соғлом оила".
5.25 "Маҳалламиз болалари".
5.50 – 6.00 "Юртим манзаралари".

Болажон
7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "До-ми-соль".
8.50 "Мультипанорама".
9.50 "Ланди-ланди".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "ABC-kids".
10.50 "Миттивойлар мусобақаси".
11.00 "Болалар учун фильм".
12.10 "Ақлли планшет".
12.30 "Болалар учун фильм".
13.50 "Боғбон болажон".
14.10 "Китоблар мамлакатида".
14.30 "Мультипанорама".
15.30 "Болажон меҳмонхонаси".
15.50 "Болалар учун фильм".
17.20 "Ширинтой-кичкинтойлар".
17.30 "Топағон болажон".
17.50 "Ланди-ланди".
18.00 "Мультипанорама".
19.30 "Қувноқ стартлар".
19.50 "Билағон болажон".
20.20 "Мультипанорама".
21.00 "Сеҳрли қўллар".
21.10 "Саргузаштлар ороли".
21.40 "Оқтош эртаклари".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Дала ҳовли". Б/ф.
7.30 Миллий кино. "Фарҳод ва Ширин".
9.00 Саргузашт фильмлар экрани. "Қилич хотираси".
11.00 "Мы купили зоопарк". Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Йигит кўнгли".
14.10 "Онегин". Б/ф.
16.00 Болалар экрани. "Вилли ва қизалоқ".
17.40 "Ханнанинг олтини". Б/ф.
19.00 "Одиссея". Т/с.
19.45 Миллий кино. "Ўзимдан ўзимгача".
21.20 "Ҳафта юлдузи". Чоу Юн Фат.
21.40 Жаҳон киноси. "Ёлланма қотил".
23.20 "Бахт бу. ". Қисқа метражли фильм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Моя прекрасная леди". Х/ф.
2.50 "Мангу эртак". Б/ф.
4.45 – 6.00 Миллий кино. "Ожиза".

СЕШАНБА, 7

Ўзбекистон
5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
7.40 "Кўнгил ободлиги".
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
9.10 "Суҳбатдош".
9.25 "Иқлим".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.00 "Иқлим".
10.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Ҳаётдаги мен".
11.40 "Кунларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Электр нурлари". Ҳ/ф.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Таҳлил – 25".
14.40 "Қишлоқ ҳаёти".
15.00 "Иқлим".
15.15 "Муносабат". Ток- шоу.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Устурлоб".
16.30 "Ахборот". /Инглиз/.
16.40 "Қорачиқ".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Агроолам".
17.30 "Севги сароблари". Т/с.
18.15 2006 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
18.35 "Рамазон шукуҳи".
18.40 "Рамазон туҳфаси".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бизнес старт".
22.05 – 23.55 "Опа-сингиллар". Б/ф.
23.55 "Агроолам".
00.15 Миллий сериал: "Имтиҳон".
00.45 "Шарқ тароналари".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Рамазон шукуҳи".
2.35 "Рамазон туҳфаси".
3.20 "Кунларнинг бирида".
3.35 "Нурли ришталар".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
5.10 – 5.55 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.

Ёшлар
6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Бедор тунлар". Б/ф.
7.30 "Шарқ гавҳари".
8.00 "Пуаро". Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "XXI аср технологиялари".
11.20 "Ёшлар ва ҳуқуқ".
11.40 "Соғлом ҳаёт".
12.00 "Шаҳзода". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Чингачгук Катта илон". Б/ф.
15.40 "Юртим жамоли".
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Бир қадам". Т/с.
17.00 "Истиқлол тенгдошлари".
17.10 "Давр мавзуси".
17.30 "Олтин даврим". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Оналар мактаби".
21.00 "Шаҳзода". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Гирдоб-3". Т/с.
23.40 "Мўъжизавий дунё".
1.40 "Ҳикоя".
2.00 "Фан ва ёшлар".
2.30 "Ош бўлсин!"
3.10 "Уч кунлик дунё". Спектакль.
4.40 "Навоий хазинаси".
5.00 "Қалпоқ". Ҳажвия.
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент
5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Лочин ва кабутар". Т/с.
11.15 "Рангли телевизор".
12.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
12.50 "Пойтахт-Hi-tech".
13.15 "Кўзгудаги Биз".
13.45 "Poytaxt-eko".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Гулираъно". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 "Катта ғалаба". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.50 "Poytaxt-Hi-tech".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Гулираъно". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Телетаҳлил".
21.30 "Poytaxt-madaniyat".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Проблеск гениальности". Х/ф.
00.15 "Кўзгудаги Биз".
00.50 "Мобильная камера".
1.00 "Poytaxt-reportaj".
1.15 "Кўнгил ҳайратлари".
1.45 "Poytaxt-eko".
2.15 "Сифат назорати".
2.45 "Мен сизга айтсам".
3.20 "Профессионал".
3.40 "Poytaxt-Hi-tech".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт
6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Универсиада".
6.40 "Эътироф".
6.55 Футбол. Америка кубоги. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
9.00 "Sport onlayn".
10.00 Хабарлар.
10.15 "Болалар спорти".
10.45 "Техноспорт.
11.00 "Осиёга назар".
11.15 "Соғломжон-полвонжон".
11.40 "Ифтихоримсан, спорт".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport onlayn".
13.05 Профессионал бокс.
14.00 Хабарлар.
14.20 "Спорт сайёраси".
14.40 Волейбол.
15.45 "Халқ ўйинлари".
16.05 "Ўзбек спортининг зафарли одимлари".
16.35 Теннис.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Камолот спорт".
18.30 Хабарлар.
18.45 Футбол. Америка кубоги.
20.25 "Спорт-маркет".
